В рамках федеральной Программы поддержки РФ интеграционных процессов в области образования в государствах-участниках СНГ в 2004-2005 годах Минобрнауки России по заявке Министерства образования Кыргызстана обеспечило приобретение и поставку в Республику крупной партии учебников для школ с обучением на русском языке. Для дальнейшей реализации мероприятий российско-кыргызского сотрудничества в сфере образования Правительство России планирует принять меры, направленные на расширение числа изучающих русский язык в Кыргызской Республике.

В соответствии с поручением Президента РФ В. В. Путина и Правительства Российской Федерации в настоящее время осуществляется подготовка концепции государственной поддержки Российской Федерацией русского языка за рубежом. Принятие ее позволит привлечь дополнительные финансовые средства для реализации мероприятий в области изучения русского языка, значительно расширить направление за рубеж учебников и учебных пособий для их использования в образовательных учреждениях с преподаванием на русском языке.

Фото: bushtaxi.org

Дилмурод Рахмонов,
Республика Кыргызстан

Мигранты смогут получить разрешение на работу в РФ при правильном ответе на шесть вопросов теста из двадцати

Разработчики тестов для трудовых мигрантов по русскому языку, истории и праву определили объем знаний, необходимый для получения разрешения на работу в РФ. Для успешной сдачи экзаменов мигрантам достаточно правильно ответить на 30% вопросов каждого из тестов. Об этом рассказала «Известиям» начальник отдела по организации тестирования Российского университета дружбы народов (РУДН) Елена Шамилина.

«Экзаменационные модули содержат по 20 заданий, то есть приезжему достаточно будет без ошибок выполнить лишь шесть из них (по каждому из предметов)», пишет газета.

«Была проведена экспертная оценка, и мы пришли к выводу, что рациональным будет выдавать сертификаты трудовым мигрантам в случае 30% правильных ответов, претендентам на временное проживание – при 50%, а тем, кто хочет получить вид на жительство, при 75% правильных ответов», говорит Елена Шамилина. При этом в РУДН не исключают, что в процессе согласования планка опустится еще ниже и проходной балл для трудовых мигрантов снизят до 25%. Соответствующие рекомендации разработчиков экзамена находятся на согласовании в Минобрнауки РФ.

Сдавать комплексный экзамен мигранты смогут уже с 1 сентября. Стоимость комплексного тестирования должна составить от 4,5 тыс. до 5 тыс. руб. При необходимости иностранные граждане смогут проходить тестирование неограниченное количество раз за дополнительную плату.

Профессор Европейского Университета в Санкт-Петербурге Сергей Абашин так прокомментировал это нововведение: «Ситуация со сдачей экзамена по языку, истории и законодательству безвизовыми иностранцами, которые приехали в Россию получить патент или разрешение на работу, приобретает странные формы. Сначала был включен пункт, что иностранцы, которые хотят работать строителями и дворниками, но вовсе не стремятся остаться в России надолго, зачем-то должны учить историю и конституцию РФ. Потом, видимо, поняли, что миллионы новых абитуриентов просто невозможно «переварить». Теперь пытаются отыграть обратно. Сначала разрешили использовать советские аттестаты, потом упростили вопросы экзаменов до какого-то бессмысленного набора имён и дат, потом решили все ответы вывесить в Интернете, то есть узаконить шпаргалки, а теперь вот решили считать зачётными правильные ответы на 6 вопросов из 20. Не проще ли и не разумнее ли будет для всех просто отменить этот пункт об экзаменах, оставив его только для тех, кто хочет получить в России вид на жительство и гражданство?»

Обращение к благотворителям

Дорогие друзья!

Трудовые мигранты из Средней Азии — часть нашей повседневной жизни. Но многие из нас относятся к их проблемам так, как будто их жизни паралельны нашей, не пересекаются. Несмотря на это, мы все — часть одного общества, проживающего на данный момент на территории России. В магазинах, в транспорте, на улице, в многоквартирном доме — мы постоянно живем с гражданами других государств в одном пространстве. Они пользуются теми же услугами медицинского, социального, образования обеспечения. Они также участвуют в формировании российского ВВП как и мы.

Однако многие мигранты живут в «нечеловеческих условиях». Мигранты часто попадаются в руки мошенников и посредников, их часто обманывают работодатели. В результате чего они нередко оказываются в крайне тяжелом материальном и моральном состоянии. К сожалению, некоммерческих организаций в России, в том числе в Санкт-Петербурге и Ленинградской области, оказывающих безвозмездные услуги и помощь этим мигрантам, совсем мало. Некоторые национальные диаспоры оказывают помощь, но не могут оказывать качественные юридические услуги.

С августа 2012 года в Санкт-Петербурге и Ленинградской области функционирует некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии». Основной задачей Фонда является оказание безвозмездной помощи трудовым мигрантам из Средней Азии, в частности, оказание правовой и материальной помощи трудовым мигрантам и другим социально незащищенным лицам из Средней Азии. Также немаловажная задача Фонда - представительство и защита социально-трудовых прав трудовых мигрантов из Средней Азии в органах государственной власти и местного самоуправления, перед работодателями, в судебных и правоохранительных органах, в государственных учреждениях РФ. Кроме того, наш Фонд проводит благотворительные мероприятия и участвует в международных благотворительных акциях.

Также в наш Фонд часто обращаются родственники или знакомые умерших на территории РФ мигрантов. Для отправки одного так называемого «Груз-200» нужно нужно около 50 000 рублей. Хорошо, когда есть родственники или знакомые этих умерших людей. Но, если у этого человека нет ни родственника, ни знакомого. Как тогда поступить? Наш Фонд уже несколько раз сталкивался с подобными случаями. Наши волонтеры по пятницам ходили по мечетям и стройкам, собирали деньги для отправки умерших мигрантов на родину.

Мы благодарны нашим благотворителям: частным лицам и организациям, оказывающими финансовую помощь и информационную поддержку. Большинство из них, сделав благотворительный взнос, даже не осознают, какое большое дело они сделали. Независимо от того, какой это был взнос – 10 или 1 млн рублей. Нам важна любая поддержка, потому что мы знаем, как ее употребить в пользу тех, кто в ней нуждается.

Если Вы хотите познакомиться с нашим Фондом, мы будем рады видеть Вас и рассказать о работе, корую мы ведем.

Благотворительная организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»

Адрес: ул. Бабушкина, д. 52 (м. Ломоносовская)

Телефон: 8 (812) 309-73-06

Уважаемые родители! СПб РОО «Дети Петербурга» приглашает детей от 4 до 18 лет на

БЕСПЛАТНЫЕ ЗАНЯТИЯ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ И КУЛЬТУРЕ.

Уроки проходят 1-3 раза в неделю в разных районах города.

Запись по телефону

8-921-093-8819

detipeterburga.ru

vk.com/knowyourlanguage



Пожелание от соотечественника ко Дню Независимости Узбекистана

Свободный сын свободной и благоустроенной страны! Не забудь, что тебя будет ждать Родина

Здравствуйте, дорогие земляки! Слава Всевышнему что, в нашей стране царствует спокойствие и мир, благоустроенность. Можно неустанно говорить про людей, которые с душой совершают благие дела ради процветания своей Родины и про тех, которые любят свою Родину.

Фото: ridus.ru

Сегодня воспитание растущего поколения становится большой проблемой, темой номер один. Не для кого не секрет, что XXI век был назван веком высоких технологий. А именно, компьютеры и интернет, содержащие разные игры и европейскую музыку, ненужные источники действуют отрицательно на вырастающее поколение. Они сами, не замечая того, попадают в ловушку разных незаконных направлений.

Дорогие родители, мы должны уделять большое внимание воспитанию своих детей. Ибо наши предки сравнивали детей с молодыми ростками. Садовник выращивает молодые ростки, отдавая свою душу, оберегая их от холода и жары, и со временем, он получает плоды своих работ. Те, кто питается этими вкусными плодами, будут благодарны своему кормильцу. От таких действий получают благо все народы. А если представить обратное!? Если садовник посадит молодые ростки, не будет выращивать их своевременно, оставит их без присмотра, то в последствие ростки будут расти кривыми, будут людей раздражать, и этот садовник будет проклятым.

Да, дорогие мои, ребёнок похож на молодой росток. Если мы будем своевременно заниматься воспитанием своих детей, в будущем они вырастут преданными своей Родине, народу и президенту. Здесь я бы хотел напомнить один из хадисов пророка Мухаммада (с.а.в): «Любить родину — это вера». Ибо цель у всех родителей одинакова, и состоит она в том, чтоб их дети были совершенными.

Дорогие родители, давайте будем относиться серьезно к воспитанию своих детей. Пусть они вырастут здоровыми, разумными, талантливыми, трудолюбивыми, и пусть они принесут пользу своему обществу, народу, и мы должны помогать им в достижении этих целей! Пусть будет вечна наша независимость, пусть расцветёт наша любимая Родина!

Мухаммадбобир Турсунов

Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии
Возникли трудности при адаптации в Санкт-Петербурге?
В Фонде работают профессиональные юристы из Средней Азии. Вас поймут, даже если вы не говорите на русском языке!
Приходите! И мы окажем вам содействие в:
• оформлении всех необходимых документов для официального проживания в России
• легальном трудоустройстве
• получении медицинской помощи
• решении юридических проблем
• поиске жилья и достойной работы
Также к вашим услугам:
• занятия по русскому языку
• помощь в получении кредита
• благотворительные акции
• культурные мероприятия
• образовательные семинары
Мы действуем согласно закону в ваших интересах!
Ждем вас по адресу: м. «Ломоносовская», ул. Бабушкина, д. 52, лит. А, офис 27-Н (вход с Прямого проспекта, дверь рядом с аркой)
Телефон: 8 (812) 367 90 01 Время работы: 10.00 - 18.00 (ПН-ПТ)
ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии

Русско-таджикский разговорник. Чрезвычайные ситуации

По-русски	По-таджикски
Помогите!	Ёрӣ дихед!
Вызовите полицию	Полисро чег занед / фарёдкунед
Вызовите врача	Духтурро чег занед
Я потерялся / заблудился	Ман гум шудам
Успокойтесь!	Ором шавед!

Уважаемые читатели! Бесплатное распространение газеты «Туран» производится в местах наибольшего скопления трудовых мигрантов из Средней Азии по следующим адресам:

- по четвергам с 11:00 – у станций метро «Дыбенко», «Ленинский пр.», «Проспект Ветеранов», «Московская», «Елизаровская»;

- в пятницу с утра – ст. м. "Озерки", "Старая деревня", "Комендантская", "Петроградская", "Василеостровская"; с 15.00 – в Соборной Мечети (м. Горьковская) после окончания молитвы;

- в понедельник – с утра на ст. м. «Автово», «Садовая».

Кроме того, нашу газету вы можете получить на стойках, которые расположены в УФМС СПб и ЛО на ул. Красных текстильщиков, 15, Магазин «Халял» (м. Горьковская), Дом Национальностей Санкт-Петербурга, магазины «Семейный Капитал»: м. Пролетарская, Доходные дома, Городской Центр Сбережений (10-я линия ВО, д. 15б). Также, по субботам и воскресеньям с 11 часов рядом с магазином «Народный» на пр. Косыгина.

16+

Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий «Турон» газетаси

Турон

№ 32 (161)
28 август 2014

Бобур бобонг мусофирликда қурди салтанат,
Навоий адибинг мусофирликда қилди ижод,
Жалолиддин мусофирликда қилди ватаним деб жиҳод,
Сен Турон ўғлони ўзлигингни сақлагил фақат.

Муҳожирларнинг болалари мактабга боришни хоҳлайди!

20 август куни “БалтИнфо” матбуот марказида “Петербург муҳожирларининг болалари: янги ўқув йили” матбуот конференцияси бўлиб ўтди, унга спикер сифатида “Петербург болалари” РЖТ вакиллари ҳам таклиф этилди.

Фото: usaid.gov

Конференцияда муҳокама қилиниши тахмин қилинган саволлар муҳожирлар болаларининг Россия мактабларидаги мослашуви, бу болалар дуч келадиган муаммолар, бошқа этник болалар мавжуд бўлган синфлар билан ишлайдиган педагоглар дуч келадиган муаммолардан иборат эди. Ушбу конференциянинг асосий масалаларидан бири шаҳарнинг турли хил этник гуруҳларнинг бир хиллиги ва маданий анъаналарини сақлаб қолиш имкониятини берувчи чет эллик болаларнинг интеграцияси ва мультимаданият ривожланиши дастури моделининг мавжудлиги ҳам бўлди. “Петербург болалари” Россия Жамоатчилик Ташкилотидан вакил сифатида конференцияда ушбу лойиҳа ташкилотчиларидан бири Галина Культиасова иштирок этди.

Петербургда болалар ҳуқуқи бўйича вакилнинг маслаҳатчиси Андрей Рябоконнинг таъкидлашича, меҳнат муҳожирларининг фарзандлари кўпинча Россия мактабларида узлуксиз таълим олиш имкониятига эга эмас. Бу уларнинг визасиз шаклда патент асосида ишлаётган ота-оналари ўз патентларини ҳар уч ойда узайтириш кераклидан ҳам келиб чиқади. Ота-оналарга уни узайтириб беришади, болага эса – йўқ. Ва шунда ота-оналар мамлакатни тарк этишига тўғри келади, ахир уларнинг фарзанди Россияда визасиз фақатгина уч ой бўлиши керакку. “Чет эл фуқароларининг болаларида ҳеч қандай ҳуқуқий статус мавжуд эмас. Мамлакатга фақатгина таклиф асосида келаётган мутахассисларнинг болаларидагина у мавжуд – унда ота-онанинг кўчиб ўтиши билан унинг статуси автоматик равишда болага ҳам берилади. Агар одам визасиз ёки ноқонуний ишлаётган бўлса, унинг фарзандини уч ойдан кейин шунчаки мактабдан ҳайдаб юборишади”, - деб тушунтирди Рябоконь. Унинг фикрича, чет эл фуқароларининг фарзандлари уларнинг ота-оналари каби ҳуқуқларга эга бўлиши шарт.

Андрей Рябоконнинг сўзларига кўра, тез-тез Вакил аппаратига чет эл фуқароларидан уларнинг фарзандларини мактаб ҳайдамасликларини ёки шунчаки синфга олишларини сўраб илтимослар келиб туради. Шунда аппарат мутахассислари бу болаларнинг мактабга боришлари учун арз ишларини бошлайди. Бу ерда шуни унутмаслик керакки, агар ота-оналарнинг иккаласида ҳам меҳнат рухсатномаси мавжуд бўлса, уларнинг фарзандини ҳеч қандай муаммосиз мактабга олишади.

Ҳаттоки агар чет элликнинг фарзандини Россия мактабига олишган тақдирда ҳам у ерда у ҳақиқатдан ҳам ўқийди дегани эмас. “Кўпгина муҳожирларнинг болалари рус тилини билмайди. Ундан ташқари Петербургда туғилиб, рус тилида гапирмайдиган болалар ҳам бор. Мактабларга бундай болалар билан шуғулланиш учун қўшимча маблағ ажратилмайди. Бу ишларни ўз маблағи ҳисобига амалга оширадиган мактаблар ҳам бор. Лекин, муҳожирларнинг фарзандлари кўпинча ҳаттоки “китобни очиш” нималигини ҳам тушунмайди”, - деб мисол келтирди Адмиралтейск районидаги №624-сонли мактабнинг муҳожир-болаларга ҳамроҳлик қилиш бўйича педагог-лингвист Галина Рогожкина.

Шундан кейин Гейдар Иманов томонидан биринчи маротаба “Бу болаларнинг мослашиши билан ким шуғулланади? Бу муаммога давлат томонидан ёндошиш қани?” деган савол жаранглади. Уни лойиҳа ташкилотчиси, “Петербург болалари” жамоат ташкилотининг чет эллик болаларни рус тилига ўқитиш бўйича мутахассиси Галина Культиасова қўллаб-қувватлади. Унинг таъкидлашича, ҳеч қайси расмий идорада – ФМХБ, Таълим бўйича Қўмитада ҳам муҳожир ота-она қандай қилиб фарзандини мактабга жойлаши ҳақида инструкциялар мавжуд эмас. “Ҳамма фақат муҳожирлларни қонунийлаштириш ҳақида гапиради, уларнинг бу ерда қандай яшашлари тўғрисида эса ҳеч ким гапирмайди. “Толерантность” дастури бор, лекин у нимадан иборат? Фақатгина концертлар ва театрларга бориш. Россиядаги ҳаётга ўргатиш бўйича бирон-бир қўлланма мавжуд эмас. Ва баъзан она ўз фарзандини мактабга ҳалатда олиб келади ва ўқитувчида ғазаб пайдо бўлади”, - деди Культиасова. Унинг айтишича, чет эл фуқароларининг фарзандлари учун уларни рус тили ва Россияда қабул қилинган урф-одатларга ўргатувчи тайёрлов мактаблари очилиши лозим.

Озарбайжон ва тожик миллий диаспораларининг вакиллари томонидан шу жумладан ўзлари томонидан Россияда муҳожирларнинг фарзандлари ҳам, катта ёшдаги чет эл фуқароларининг ҳам мослашиши учун имкон қадар ишлар ўтказилаётгани айтиб ўтилди. “Лекин юзлаб киши билан ишлаётган диаспораларнинг маслаҳатлари кунига Петербургга минглаб муҳожирлар келаётганида нима ҳам қилиши мумкин?”, - деб риторик савол берди Гейдар Иманов.

Кўпчилик жамоат ташкилотлари бу масала юзасидан давлат билан кўнгиллилик асосида ҳамкорлик қилишга тайёр. Лекин қийинчилик шундан иборатки, волонтёрлар муҳожирлар учун бирон-бир ўқиш курсларини ташкил этишга ҳаракат қилганида, уларга буни ўткизадиган жой йўқ. “Муҳожирларнинг ҳужжатларини текширмасдан киритишга тайёр бўлган бепул майдончалар жуда ҳам кам”, - деб аниқлик киритди шундай курслар ўтказиладиган Красносельский районидаги №4-сон “Горелово” кутубхонасининг мудири Надежда Карсакова.

“Турон” газетаси “Петербург болалари” РЖТ ва “БалтИнфо” ААга тақдим этилган материаллар учун миннатдорчилик билдиради.

Россияда қўл сиқилган ҳолда энг узун саф

22 август куни Россия Федерацияси давлат байроғи куни Дворцовий майдонида нафақат концер ва авиашоу, балки шаҳар бўйича ёпиштириб чиқилган афишаларда айтилмаган бир қатор воқеалар ҳам содир бўлди.

“Биз ким билан бирлашамиз? Ана, бу ерда африкаликлар, ана Шарқ қизлари. Халқлар дўстлиги яхши, бу менга ёқади”, - деди интеллигент петербурглик кампир рассом беретида Дворцовий майдонининг қоқ марказида бир-бирларининг қўлидан ушлаган одамлар занжирига қўшилар экан.

“Бизнинг туриш ҳолатимиз оққушлар рақсидаги балетчиларга ўхшайди! Тўғриси, келинг ўзимизнинг рақслардан бирига рақс тушамиз!”, - дейди овози жуда ҳам баланд бўлган бир аёл ёнида турганларни ҳаракатга келтириб, “Калинка-малинка”ни айта бошлайди.

Қизиқишли қарашлар, япон сайёҳларининг объективлари, “Бу ерда нима бўлаяпти?” деб берилган саволлар ва бирданига пайдо бўлиб қолган суратга олиш гуруҳи.

Маълум бўлишича, бу энг камида Россия рекордини, балки Гиннес рекордини – агар 14 сентябрь куни шу ерда, Дворцовий майдонида уч ярим минг киши йиғилса, ўрнатиш учун PR-акциядир. Рекорднинг ташаббусчиси “Санкт-Петербург кўнгиллилик агентлиги” бўлиб, шаҳарликлар орасида ўзаро кўмак, ижтимоий жавобгарлик, холислик ва яхшиликни оммалаштиришдир. Шу сабабли рекорднинг шундай шакли танланган эди – қўл сиқилган ҳолда энг узун занжир; ахир қўл сиқиш – ишонч белгиси, яхши ниятлар кафолати ва бир-бирига ҳурмат кўрсатишдир.

Кичкина қизча ташкилотчиларнинг олдига келиб, акцияда иштирок этишлари мумкин бўлиши учун дадаси, ойиси, укаси ва сингилчасига яна тўртта бейдж сўради. Агар ўша оила 14 сентябрь куни Дворцовий майдонига келиб, бошқа петербургликлар билан бутун дунёга шаҳримизнинг бирлигини ва кўп қиррали эканлигини намойиш этса, зўр бўларди!

Тадбирга бу ерда рўйхатдан ўтиш мумкин: https://docs.google.com/forms/d/1PRbznBaqItFxUstVJQWajbCg5ijI0mR8N4eWX5hCe4I/viewform

“Санкт-Петербург кўнгиллилик агентлиги” лойиҳаси шаҳримизнинг кўнгиллиларини бирлаштириш ҳамда волонтёрларнинг иштироки ва ёрдамига муҳтожлар мақсадида йўлга қўйилган.

Маълумот Ёшлар сиёсати ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқа Қўмитаси қошидаги “Санкт-Петербург ёшлар уйи” Давлат бюджет ташкилоти томонидан тақдим этилган.

Расмий баёнот

Ўзбекистонда InfoCom-2014 ахборот-алоқа технологиялари ҳафталиги

Ўзбекистонда 22-26 сентябрь кунлари InfoCom-2014 ахборот-алоқа технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Ташкилотчиларнинг маълумотларига кўра, унда 20 дан ортиқ компаниялар ва экспертларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Ҳафталик доирасида бир қатор анъанавий тадбирлар бўлиб ўтади. Кузда биринчи маротаба дастурчилар Форуми ва BestSoft Uzbekistan дастурий маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтади, улар авваллари баҳорда ўтказилар эди. Саккизинчи BestSoft Uzbekistan-2014 кўргазмаси мутахассислар ва кенг жамоатни софтвер саноатининг энг янги маҳсулотлари билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унда 40 дан ортиқ компанияларнинг иштирок этиши режалаштирилган. Кўргазма "Ишлаб чиқиш воситалари", "Лойиҳаларни жорий этиш", "Таълим", "Ахборот хавфсизлиги", "Мультимедиа ва дизайн" ва бошқа йўналишларни ўз ичига олади.

Дастурчилар Форумида "Дастур таъминоти ўйлаб чиқариш саноатида бизнес ва тадбиркорлик", "Бизнес жараёнларнинг самарадорлигини оширишда ДТдан фойдаланиш", "Электрон коммерция тизимларида ДТ", "Алоқа тизимларини бошқаришда ДТ" ва "Веб-дастурлаш: муваффақиятли лойиҳалар тажрибаси" йўналишларида чиқишлар назарда тутилган.

Миллий домен UZ 2014 Интернет-фестивалининг натижалари 22 сентябрда ўтказилади. Фестиваль 2007-йилдан бери Интернет миллий сегменти ресурсларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади. Ғолиблар 10 та мавзу ва 2 та махсус номинация бўйича танлаб олинади. Бу йил фестиваль доирасида маҳаллий мобил дастурлари ишлаб чиқарувчиларнинг конкурсини ўтказиш режалаштирилган. Биринчи маротаба ижтимоий тармоқлардаги бирлашмаларнинг саҳифалари қайд қилинади.

ИКТ ҳафталигининг муҳим тадбирларидан бири - Ахборот-алоқа технологиялари бўйича саммитдир. ИКТ Саммитининг мақсади – фаолиятнинг турли соҳаларига ИКТларни жорий этишнинг ютуқлари ва имкониятларини намойиш этиш учун платформаларни ташкил этиш, ахборот-алоқа соҳаларининг ривожланиши тенденциялари муҳокамаси, Ўзбекистонда ИКТ соҳасининг ривожланишини рағбатлантиришдир.

ИКТ Саммити уч йўналишда бўлиб ўтади, улар қуйидагилардир: "Давлат секторида ИКТ", "Бизнес учун ИКТ" ва "Интернет ва ахборот ресурслари". Бу йили унинг ишида Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан 500 дан ортиқ делегат иштирок этади.

Ҳар йилги халқаро ICTExpo ахборот технологиялари кўргазмаси бу йили 24-26 сентябрь кунлари Тошкент, Урганч ва Гулистон шаҳарларида параллел шаклда ўтказилади. Унинг асосий мавзуси "Электрон ҳукумат" технологиялари йўналиши бўлади.

ИКТ ҳафталиги давомида MIT. UZ Ёшлар Интернет-конкурси, Интернет-провайдинг ва маҳаллий контентни ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, электрон ҳукумат платформасида ахборот муҳитининг ривожланиши жараёнларини қонуний назорат қилиш масалалари бўйича халқаро семинар, е-спорт бўйича Uzbekistan Cyber Games-2014 Ўзбекистон Чемпионатининг финали, "Ахборот технологиялари – ёшларга!" ҳайрия акцияси, компьютер спорти бўйича ICT-STUDENT Универсиадаси ва бошқалар бўлиб ўтади.

ИКТ ҳафталигининг ташкилотчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва алоқа технологиялари маслалари бўйича Қўмита, Компьютерлаштириш ва ахборот-алоқа технологияларини ривожлантириш бўйича координация кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари Ассоциацияси ва ICTNEWS нашридир.

Манба: «Газета.uz»

Тожик диаспораси кузда Москвада муҳожирлар митингини ўтказиш ҳақидаги маълумотни рад этди

"Тожик меҳнат муҳожирлари" бутунроссия ҳаракати раҳбари Каромат Шарипов ОАВларда пайдо бўлган Москвада кузда муҳожирларнинг умумий митингини ўтказиш ҳақидаги маълумотни рад этди. "Журналистларнинг фантазияси жуда ҳам бой ва улар Москвада ўтказилиши тайёрланаётган 100 минглик митинг ҳақида миш-мишлар тарқатибди. Мен фақатгина айтиб ўтдимки, агар зудлик билан тожик муҳожирлари билан боғлиқ ҳолатни қонуний йўлга ўтказилмаса, бундай митинглар бўлиши мумкин", деб такрорлайди ИТАР-ТАСС жаноб Шариповнинг сўзларини.

Унинг сўзларига кўра, тожик муҳожирлари Россияда қонуний йўл билан ишга бўлган ўз ҳуқуқларининг амал қилинишига эришмоқчи. Бунинг учун улар октябрда съездга йиғилади ва Россия ҳамда Тожикистон ҳукуматларига мурожаатларини йўллайди, Россияга келаётган ватандошларига ёрдам кўрсатишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқади.

К. Шариповнинг аниқлик киритишича, у раҳбарлик қиладиган ташкилот ҳар куни Россияга ишлашга келган ватандошларидан арзлар қабул қилади. Шу жумладан, ишберувчилар муҳожирларнинг паспортларини олиб қўйгани, баракларда санитарияга қарши шароитларда яшашга мажбур қилганлиги, маошни тўламаганлиги ва бошқа ҳолатлар қайд этилган.

"Бу масалаларнинг барчасини биз Москвада октябрь ойининг иккинчи чорагида бўлиб ўтадиган дунё тожиклари съездида кўтаришни режалаштирганмиз. Биз Россия ҳам, Тожикистон раҳбарияти ҳам эшитишини хоҳлаймиз, тожик ҳукуматидан эса ўз ватанимизда ишчи ўринлари яратишини талаб қиламиз. Агар бу нарсалар амалга ошмаса, биз Москва ҳукуматига митинг ўтказишни сўраб ариза тайёрлашга мажбур бўламиз", - деди Каромат Шарипов.

Фот: sakhatoday.com

Қонун лойиҳаси: миграция хизмати суриштирув, тергов қилиши ва қурол ишлатиши мумкин

"Российская Газета"нинг хабар беришича, Федерал миграция хизмати (ФМХ) "Россия Федерациясида миграция назорати ҳақида" қонун лойиҳаси ишлаб чиққан. Унда жумладан шундай дейилади: иммиграция назорати органлари суриштирув, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириши, фуқароларни, уларнинг буюмлари ва транспорт воситаларини тинтув қилиши мумкин.

Улар фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириши, керакли тушунтиришларни олиш, улар чақирилганда келишдан бош тортса, куч ишлатиш йўли билан ўз бўлинмаларига олиб келиши; аниқ чет элликларни келиши ва яшаши исталмаётганлиги ҳақида қарор қабул қилиши, уларни мамлакатга киришини таъқиқлаши ҳуқуқларини олади. ФМХда яна жисмоний куч ва ўқотар қурол ишлатиш ҳуқуқи ҳам пайдо бўлади.

Лекин бу ҳаммаси эмас – қонун лойиҳаси "иммиграция назорати органларига кўмаклашишни" истаган штатдан ташқари одамлар билан ҳамкорлик қилувчиларни жалб қилиш имконини ҳам беради.

Экспертлар бу ҳужжатга турли хил муносабат билдирмоқда. Масалан, у НИУ ВШЭда Тюрюканов лекцияларида муҳокама қилинди. Лекциялар хулосасида шундай савол берилмоқда: ФМХни ИИВдан нега ажратиб чиқариш керак эди, энди эса улар ўзларига тезкор-қидирув функцияларини ҳам сўрамоқда, шунга қарамай ИИВ бу ишлар учун кучли воситаларга эга-ку? "Ушбу қонун лойиҳасидан кўриниб турибдики, ФМХ барча ўзига хос хусусиятларга эга, шу жумладан ўз агентлари тизимига эга бўлган махсус хизмат ташкил этилишига интилмоқда. Лекин булар фуқаролик миграция идорасига қандай алоқаси бўлиши мумкин?" – дейилади хулосада. Унда яна таъкидланишича, ФМХнинг қўлида ҳозир полицияда мавжуд бўлган инструментлар ва функциялар бўлиб қолади, шу сабабли бу икки структура ҳаракатларидаги хавфли келишмовчилик пайдо бўлиши мумкин.

Лекин, бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. РФА Этнология ва антропология институти директор ўринбосари Владимир Зориннинг фикрига кўра, қонунлойиҳаси миграция назоратининг ҳуқуқий асослари ва полиция функцияларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. У полиция органларининг ишини "анча енгиллаштиради". "Ҳамма ўз иши билан шуғулланиши керак: ФМХ муҳожирлар билан, ИИВ эса жамоат тартиби ва уюшган жиноятчилик масалалари билан", - дейди Владимир Зорин. Унинг сўзларига кўра, штатдан ташқари ходимлар тармоғи ҳар бир куч ишлатиладиган структурада мавжуд бўлиб, уни тузиш ноқонуний эмас. Экспертнинг фикрига кўра, қонун лойиҳасига муҳожирларнинг мослашуви ва ижтимоий интеграциясига кўмаклашувчи "кўприк" бўлган битта гуманитар тузилиш етишмаяпти.

Ўзбек, тожик ва молдаван тилини ўрганаётган москваликлар

Бир неча ой аввал биз “Муҳожирлар тиллари мактаблари” ҳақида ёзган эдик. The-Village газетаси уларнинг битирув кечасида бўлди ва биз мактабнинг битирувчилари ҳақида қувонч билан гапириб берамиз.

Фото: kapital.kz

Ўтган ҳафтанинг дам олиш кунларида, 16-17 август кунлари “Музеон”да “Муҳожирлар тиллари мактаблари”да битирув кечаси бўлиб ўтди. Уч ой давомида талабалар қозоқ, тожик, молдаван ва ўзбек тилларининг асосларини ўрганишди ва мамлакатларнинг маданияти билан танишишди. Машғулотлар ҳафтада тўрт кун кечқурунлари ўтказилди. Олий маълумотли ва таълим бериш тажрибасига эга диаспора вакиллари ўқитувчилик қилди. The Village улар билан толерантлик ҳақида суҳбатлашди ва энди улар қозоқ, тожик, молдаван ва ўзбек тилларида кимлар билан мулоқот қилишлари ҳақида билиб олди.

Мариан, 73 ёш, филолог-лингвист: “Тиллар – менинг аввалдан қизиқишимдир, бутун умрим уларнинг атрофида бўлди. МДУнинг филология факультетини битирганимга 50 йилдан ошди, менинг мутахассислигим – славян тиллари. Мен серб, хорват, болгар ва бошқа тилларни биламан. ТАСС ахборот агентлигида муҳаррир бўлиб ишладим, кейин эса болгар, серб ва вьетнам тилларида луғатлар, қўлланмалар ва сўзлашгичлар чоп этишга тайёрловчи нашриётда кўп вақт ишладим.

Мен ҳозир нафақадаман, лекин менинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларим сақланиб қолинган, шу сабабли мен ёзни “Муҳожирлар тиллари мактаблари”ди ўтказдим. Мен бирданига тўртта тилни ўргандим, барча машғулотларга қатнашдим. Узрли сабабларга кўра фақатгина икки ҳафта машғулотларга қатнашмадим: санаторияда эдим.

Балки мен тожик тилида ҳеч ким билан сўзлашмасман, лекин тилнинг ўзи билан танишиш – жуда ҳам қизиқарли ишдир. Ўқитувчи бизни ўзбек палови билан меҳмон қилгани ва уни қандай тайёрлаш кераклигини гапириб бергани ёдимда қолди. Албаттаки, рецептни ҳозир эслай олмайман. Палов – мен сизга айтсам, ажойиб таом. Унақасини умумий овқатланиш жойларида ҳам, ресторанларда ҳам топаолмайсиз”.

Руслан, 24 ёш, метрология инженери: “Мен Москвада туғилиб ўсганман, лекин менинг оилам асли Тошкент вилоятидан. Ўзбек тилида ота-онамдан бошқа гаплашадиган одам йўқ, лекин гаплашгим келади. Шу сабабли мен “Муҳожирлар тиллари мактаби”га ҳақиқий тил эгаси билан гаплашиш ва менинг даражам қанчалик яхши эканлигини кўриш учун бордим.

Бу уч ой мен учун жуда ҳам қизиқарли бўлди. Дарслар ўйинлар кўринишида ташкил этилди. Лекин уйга вазифа ҳам берилди. Масалан, ўзимиз ҳақимизда гапириб беришимиз керак эди. Мен албатта, қийналмадим. Балки бошқа болалар кечаси билан тайёрланишгандир. Сенинг тилингни ўрганишлари одамга жуда ҳам ёқади. Агар Москва аҳолисининг ўнтаси ўзбек тилида “салом” ва “раҳмат” сўзларини ўрганса ҳам, бу толерантлик томон босилган катта қадам бўлади”.

Настя, 23 ёш, РДТУ “менежмент ва маркетинг” факультети талабаси: “Мен асли Тошкентданман. Ўзбекистонда йигирма йил яшаб, қандай қилиб миллий тилни ўрганмаслик мумкин билмайман, лекин мен шундай қилганман. Шунчаки ҳамма ўзбеклар рус тилини билишади ва ўзбек тилига эҳтиёж сезмаганман.

“Муҳожирлар тиллари мактаби”да ўзбек тили курслари ҳақида эшитганимда бой берилганларни қоплашга қарор қилдим. Ота-оналарим ҳайрон бўлишди. “Настя, сен Москвадасан, ўзбек тили сенга нега керак, Тошкентга борасан ва ўша ерда ўрганасан”, - дейишди. Кейин улар мени қўллаб-қувватлашди. Тошкентлик дўстларим бўлса узоқ вақт устимдан кулишди, кейин эса Москвага почта орқали ўзбек тилининг изоҳли луғатини жўнатишди. Ўқиш давомида битта ҳам дарсни қолдирмадим. Албатта, тилни мукаммал даражада ўрганмадим, лекин кундалик сўзларни ўргандим. “Ассалом алейкум. Қалайсиз?”. Бунга сиз: “Яхши. Сизчи?” деб жавоб қайтаришингиз мумкин. Умуман олганда, Тошкентга бораман ва ҳаммани ҳайрон қолдираман”.

Ольга, 55 ёш, филолог, швед ва инглиз тиллари ўқитувчиси: “Мен учинчи авлод москваликман. Ва мен шаҳарда тарқалган ксенофобиядан, муҳожирлардан жирканишдан афсусланаман. Бу умуман нотўғридир. Биз ўз-ўзидан содир бўлаётган барча ёмонликларда уларни айблайвермасдан муҳожирлар томонга қадам ташлашимиз зарур.

Тожик тилини ўзим бу курсларгача ўрганишни бошлаганман. Менинг талабаларим Марказий Осиё тилларини тадқиқ қилаётган АҚШ университетидан тожик тили бўйича ўқув қўлланмасини ҳам жўнатишган. Менга шу тилда сўзловчи ўқитувчи етишмаётган эди ва у билан “Музеон” курсларида учрашганимдан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Биз яна дўстларимиз билан Москва бўйлаб муҳожирлар учун сайрлар уюштирамиз. Биз уларни “Меҳнат муҳожирлари касаба уюшмаси” орқали топамиз ёки кўчада кўрганларимизни таклиф қиламиз. Биз шаҳарда бор бўлган чиройли жойларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Албатта, шарқона меҳмондўстликнинг тенги йўқ, шундай бўлсада биз ҳам ҳаракат қиламиз.

Москвада одамлар ҳеч нарсага эътибор бермасдан яшашга ўрганиб қолган. Уларнинг кўпчилиги учун муҳожирлар – бу хавф солувчи тўда бўлиб, биз улар ҳақида билмаймиз ва улар бошқача кийинган ёлки биз ҳақимизда аниқ биронта ёмонликни ўйлайди деб ўйлаймиз. Лекин одам бу тушунарсиз муҳожирлар томон қадам ташлар экан, барчаси ўзгаради. Ҳеч бўлмаганда саломлашишдан бошласа бўлади. Барча Ўрта Осиёликлар тилида “здравствуйте” сўзи деярли бир хил яъни “салом” ёки “ассалому алейкум” деб айтилади. “Спасибо” эса – “раҳмат” деганидир. Мен бу сўзларни кўча супурувчига, кассирга, сотувчига айтаман.

Кассада ўзбекми, тожикми ёки қирғизми ўтирганини билмайсиз, лекин “раҳмат” деган сўз сеҳрли равишда таъсир қилади. Бейджига қараб унга исми билан мурожаат қилсангиз, деярли мўжиза рўй беради. Бир марта битта қиз мендан бундай сўзларни эшитишни ҳеч ҳам кутмганидан мендан “Сиз қаердан биласиз?” деб сўради”.

Алексей, 33 ёш, сайёҳлик агентлиги директори: “Мен соҳам бўйича лингвистман, инглиз, немис, француз ва хорват тилларида сўзлашаман. “Музеон”нинг курсларига шунчаки бу тилларни билмаганим учун бордим. “Мактаб”да мен қозоқ ва молдаван тилларини ўргандим. Уларни амалий нуқтаи назардан танлаганман. Молдаван тили нафақат Молдавияда, балки Руминияда ҳам гапириладиган Европа тилидир. Иккала мамлакат ҳам чиройлидир ва у ерга сайёҳ сифатида боришим мумкин. Масалан, Руминияда чанғи учиш мумкин.

Дарсларда биз фақат фонетика ва грамматика асосларини ўргандик. Кейин ўқишни давом эттириш, эттиришмасликни ҳар ким ўзи ҳал қилади.

Нима бўлганда ҳам бизга китоблар бўйича ўқиш биз ўзимиз бошидан бошлагандан кўра осон бўлади. Шуниси муҳимки, дарсларда бизга мамлакатлар маданияти ҳақида гапириб беришди. Масалан, қозоқ тилида ака ҳам, амакивачаларни ҳам бир хил чақиришар экан. Бу тарихан ушбу мамлакатда қариндошлик даражасидан қатъий назар барча қариндошлар ҳақида қайғурилади.

Молдавияда эса Мэрцишор деган баҳор байрами мавжуд, бу кунда одамлар бир-бирларига оқ ва қизил иплардан гул қилинган кичкина гулдасталар совға қилади. Бу байрам ҳақида яна ажойиб афсона бор, фақат мен ҳозир уни эслай олмаяпман”.

Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ҳеч кимга сир эмаски, сўнги йилларда Ўрта Осиёдан Россияга ишлаш учун келаётган меҳнат муҳожирлари сони кескин ошди. Афсуски, уларнинг аксарияти инсонга хос бўлмаган оғир шароитларда яшаб, меҳнат қилмоқда. Ҳамма муҳожирлар ҳам тайинли иш ва турар-жой топишга муваффақ бўлавермайди. Аксарият ватандошларимиз муттаҳам ва виждонсиз воситачилардан жабр кўрадилар, баъзиларини эса фирибгар иш берувчилар алдайдилар.

Табиийки бунинг натижасида, ҳамюртларимиз ночор молиявий аҳволга тушиб, тушкунликка тушиб қоладилар. Мусофир юртда кимга бориб дардини айтишини, кимдан ёрдам сўрашини билмай қолади. Афсуски, қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртларимизга беминнат ёрдам кўрсатувчи нотижорат давлат ташкилотлари Россияда, шу жумладан Санкт-Петербург ва Ленинград областларида жуда кам. Инсонпарварлик ташкилотлари муҳожирларга ёрдам кўратмайди. Айрим миллий жамиятлар эса «пуллик» ёрдам беришмоқда, ёки ҳар доим ҳам ўз ватандошларини ҳимоя қилишга қодир эмас.

Шу сабабли, 2012 йилнинг август ойидан бошлаб Ленинград области ва Санкт-Петербург шаҳрида «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Фонднинг асосий вазифаси Ўрта Осиёдан келган меҳнат муҳожирларига ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга беминнат ва беғараз ёрдам кўрсатиш, хусусан, ҳуқуқий ва моддий мадад беришдан иборат. Фонднинг яна бир муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг бошқарув органлари ва маҳаллий бошқарув идораларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқ-тартибот органларида, таш-килий уюшмалар ва бошқа давлат органларида муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бундан ташқари, бизнинг Фонд оммавий хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда, турли халқаро хайрия акцияларида иштирок этмоқда.

Фондга шу ерда вафот этган муҳожирларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Инсон майитларини ватанга юбориш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу хизматни дафн этиш ташкилотлари кўрсатади ва бу пуллик хизмат ҳисобланади. Айни вақтда бир майитни Ўрта Осиёга юбориш учун ўртача 50 000 рублдан кўпроқ маблағ керак бўлади. Марҳумларни бу ерда яқинлари ёки танишлари бўлса, юбориш анча енгиллашади. Бироқ уларни ҳеч кими бўлмасачи? Фондимиз бир неча марта бундай нохуш ҳолатларга дуч келди. Кўнгилли ходимларимиз ҳамюртимиз майитини юбориш учун жума кунлари масжидларга ва қурилиш биноларига бориб, хайр-эҳсон маблағларини тўпламоқдалар.

Бизга ўзининг беминнат ёрдамини аямаётган қўли очиқ инсонларга таъзим қиламиз: шу жумладан, хусусий тадбиркорлар, ташкилотлар, беэътибор бўлмаётган ҳамюртларимизга кўрсатаётган молиявий ва ахборот кўмаклари учун ташаккур деймиз. Уларнинг кўпчилиги моддий кўмак бериб, қанчалик катта савоб ишга қўл ураётганликларини билишмаяпти. Яратган Эгам ҳам ҳайр-эҳсон қилувчиларни севади. Савобнинг катта кичиги бўлмайди, хоҳ у 10 рубль бўлсин, хоҳ миллион. Биз учун ҳар қандай кўмак муҳим, чунки бу эҳсон маблағлари ёрдамга жуда муҳтож ва ночор одамларга сарф этилади.

Беминнат моддий ва маънавий ёрдам беришни истаган инсонпарвар инсонларни бизга қўнғироқ қилишларини ёки Фондимиз идорасига ташриф буюришларини сўраймиз. Сизларни Фоннинг мақсади, вазифалари, хамда ўтказилаётган хайрия тадбирлари билан чуқурроқ таништириб ўтамиз.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси 52-уй лит. А, офис 27Н (арка ёнидаги эшик, Прямой пр-кт орқали кирилади).

Тел: 8 (812) 309-73-06.

ФГУП «Паспорт-виза хизмати»

Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қуйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар пайдо бўладиган бўлса, унда улар ФГУП "Паспорт-виза хизмати" нинг умумий қабулхонала-рига бемалол мурожаат этишлари мумкин.

Телефонлар: **318-01-18**

«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятлари бўйича арзон тарифдаги Сим-карта тақдим этилади.



қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Санкт-Петербург шаҳри, Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

318-01-18 www.7771000.ru

Петербургда уйнинг томида катта сгушенка банкаси пайдо бўлди

Петербургдаги Васильевский оролидаги уйларнинг бирининг томида катта сгушенка банкаси кўринишидаги янги арт-объект пайдо бўлди, деб ёзади БалтИнфо.

Уни ҳаво мудофааси минорасини бўяб ташлаган кўча рассомлари гуруҳи яратган. Муаллифлар объектнинг жойлашиш жойини билдирмаяпти, улар район маъмурияти расмни ўчириб ташлашидан қўрқишмоқда.

Петербургнинг бош санитар врачи ўз амалидан кетди

Ўтган ҳафтада Роспотребнадзор Бошқармасида катта кадрлар ўзгариши юз берди – муассасанинг ҳудудий бошқармасини 9 йил давомида бошқариб келган Игорь Ракитин бошлиқ лавозимини тарк этди. Ҳозир Петербург бўйича давлат бош санитар врачи вазифасини Игорь Ракитиннинг собиқ ўринбосари Наталия Башкетова бажармоқда.

Бензин қимматлаша бошлади

Нефт маҳсулотларининг улгуржи нарҳи ошиши билан Россиянинг ёқилғи қуйиш станцияларида бензин қимматлаша бошлади. Августнинг бошидан бери у ўртача 30 копейкга, йил бошидан бери эса 2 рублга ошган. Яқин вақт ичида Москва нефтни қайта ишлаш заводи профилактика ишларига кетади, улгуржи нарҳлар яна кўтарилади, ундай кейин эса чакана бозорда ҳам нарҳлар ошади. 2015 йилдан кучга кирадиган сотишдан олинадиган солиқ (3%) ҳам чакана нарҳга таъсир қилади. АЁҚШлар эгаларининг ўйлашича, Минэнерго ва ФАС чакана нарҳларга таъсир қилишнинг манбаи бўлган нефтни қайта ишлаш компанияларининг фаолиятига эътиборни қаратса яхши бўлар эди. Шу вақтгача АЁҚШ тармоқларига эга ёқилғи компаниялари нарҳларни ушлаб турган эди, лекин тахмин қилинганидек, улар ҳам ўсишни бошлади. Росстатнинг маълумотига кўра, Аи-92нинг ўртача нарҳи мамлакатда бир литр учун 31,31 дан 31,63 рублгача ошган. Минэнерго Ачинский НПЗдаги авариядан кейин нефт маҳсулотларининг заҳираси сақланганини ва дефицитнинг мавжуд эмаслигини доклад қилган, лекин шунга қарамасдан, биржа савдоси ва улгуржи бозорнинг барча иштирокчилари бу заҳира ёқилғини сақлаш бўйича ҳаражатларнинг баландлиги ва НПЗнинг резервуар паркида бўш кучлари йўқлиги сабабли буларнинг бари фақатгина қоғозда эканлигига аминдирлар.

Минэнергонинг талаби билан 1 сентябрга нефт компаниялари бензиннинг 1,75 млн тонна даражасидаги заҳирасини шакллантириши керак.

Финнларга “Путин пишлоғи”ни тортиқ қилишди

Ўтган дам олиш кунлари Финляндия қиёсий “икки йилда беш йиллик”ни намойиш қилди. Россияга кириши таъқиқланган товар уларнинг пештахталаридан финн тадбиркорлари ўйлаганидан ҳам тез ғойиб бўлди. Режа россиялик ҳаридорларнинг оқими сабабли ошиғи билан бажарилган. Аммо, сотиб олинганни ўзи билан олиш ҳаммага ҳам насиб қилмади – чегарачилар тўғаноқ бўлди.

Хакерлар Қирғизистон ҳукумати сайтини бузишган

Хакерлар Қирғизистон ҳукуматининг расмий сайтини бузган (gov.kg). Бу ҳақда 25 август куни kginform хабар берди.

Ресурс ишидаги узилишлар 24 август куниёқ пайдо бўлган. Сайтга кирмоқчи бўлганлар FOREX бозорининг валюта котировкалари саҳифасини кўрган. Мутахассислар бир сутка ўтгандан кейингина порталнинг фаолиятини тиклашга муваффақ бўлган. Бузилиш сабаблари аниқланмаган. Айбдорлар хали топилмаган.

Қирғизистоннинг давлат сайтлари аввалари ҳам хакерлик ҳужумларига учраган эди. Масалан, 2007 йилда сайловларга икки кун қолганда МСҚнинг сайти бузилган эди. Унинг фаолияти бир неча соат ўтганидан кейин тикланган эди.

Ҳукумат сайтини ёвуз ниятли одамлар 2012 йилнинг августида ҳам бузишган эди. Ўшанда унда “араб баҳори” ҳақидаги материаллар пайдо бўлган эди. Ҳужум учун жавобгарликни Hp-Hack гуруҳи ўзига олган эди (қирғиз ОАВлари Саудия Арабистонилик хакерлар ҳақида гапирган эди).

Қирғиз ОАВлари: Лукашенко Бакиевга Дўстлик орденини берди

Қирғизистон собиқ президенти, ўз ватанида энг олий жазога ҳукм қилинган Курманбек Бакиевнинг Дўстлик ордени билан мукофотлангани ҳақидаги маълумот қирғиз ТИВ томонидан реакция кўзғатди.

РИА новостининг хабар беришича, Қирғизистоннинг ташқи сиёсат идораси Беларусияга асос талаб қилиб мурожаат қилди.

Бакиевнинг режими 2010 йилда ағдарилган эди, РИАнинг ёзишича, ҳозирда у оила аъзолари билан Беларусияда яширинмоқда.

Матбуот хизматининг хабар беришича, Қирғизистон ТИВга Беларусия элчиси Виктор Денисенко чақирилган. “Чақирилишга ОАВларда тарқалган Қирғизистон Республикасининг собиқ президенти К. Бакиевнинг Белорусия Республикаси давлат мукофоти – Халқлар Дўстлиги орденига лойиқ кўрилгани ҳақидаги хабар сабаб бўлган”, - деб хабар беради ташқи сиёсат идорасида.

Қирғизистон ТИВ ушбу маълумотга расмий тушунтириш тақдим этишни сўради. Ўз ўрнида элчи “кўриб чиқилган масала бўйича вазирликни энг яқин муддат ичида огоҳлантиришга сўз берган”.

Қирғизистонда она эмизикли болани 78 АҚШ долларига сотган

Қирғизистонда Иссиқ-Кўл области Балиқчи шаҳар прокуратураси “одам савдоси” бўйича жиноят ишини кўзғади. Она ўзининг 10 ойлик қизини 78 АҚШ долларига сотган.

Бош прокуратуранинг матбуот хизматида айтишларича, аёл боласини моддий фойда олиш мақсадида сотган. Қизчани Норин областининг қишлоқларидан бирида яшовчи оила сотиб олган. Идорада жиноят жорий йилнинг март ойида содир бўлганини, лекин у эндигина аниқланганини кўшиб қўйишди. Келишув қиймати – тўрт минг сом, тахминан 2 700 рубль ёки 78 АҚШ доллари.

Қизчанинг жойлашган ери тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиши шарофати билан аниқланган. Лекин идорада қизча айнан қаерда эканлиги ҳақида гапиришмади.

ОБСЕ лойиҳаси доирасида 2011 йилда ҳам “Қирғизистон жанубида одам савдоси” номли тадқиқот ўтказилган эди. Ушбу тадқиқот ҳисоботининг муаллифи Алина Ташибаеванинг сўзларига кўра, мамлакатда ушбу ҳолатни яхшилаши мумкин бўлган ресурслар ва маблағ етишмайди. Аммо республика ҳукумати одам савдоси муаммоси мавжудлигини тан олади. Агар ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳисобга олинадиган бўлса, унда аҳоли бунга ўхшаш жиноятлар олдида ночор бўлиб қолади.

Э. Раҳмон – Ҳўжандда қовун ва асал байрамида

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон шанба куни эрталаб Ҳўжанд шаҳридаги қовун ва асал байрамида иштирок этди ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлат раҳбари матбуот хизматининг хабар беришича, тадбир Сўғд области маъмурий марказидаги Камол Ҳўжандий ҳайкали олдидаги майдонда ўтказилган.

Қовун ва асал байрамида Тожикистоннинг шимолий ҳудуди бўлган Сўғд областининг деярли барча шаҳар ва районларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилди.

Асал байрамида маҳаллий меҳнаткашлар соҳанинг 15 тонна маҳсулотини тақдим этди – асалнинг турли навлари, прополис, қовун байрмида эса унинг 20 нави, тарвузнинг 5 нави ва ошқовоқнинг 10 нави бор эди.

Қишлоқ хўжалиги кўргазмасида жами 50 дан ортиқ турдаги 300 тоннага яқин ҳажмдаги маҳсулотлар бозордагидан 50-60 фоиз арзонга қўйилди.

Эслатиб ўтамиз, Э. Рахмон Сўғд областида ишчи сафарида бўлиб турибди, у ерда бир қатор халқ хўжалиги объектларининг очилиши тадбирида иштирок этмоқда.

Ёз Тожикистонни тарк этишни истамаяпти

Тожикистоннинг кўпгина ҳудудларида, Помир баланд тоғ тизмаларидан ташқари, ҳавонинг даражаси Цельсий бўйича қириқ даражадан пастга тушмаяпти. Тожикистон Гидрометмарказининг маълумотларига кўра, 25 август куни мамлакат жанубида ҳаво ҳарорати кундузи 41 даражани ва кечаси 25 даражани ташкил этди.

Ҳудди шундай даража Тожикистоннинг пойтахти Душанбеда ҳам қайд қилинган. Ҳаттоки республикага бўйсунадиган водий районларида ҳам ҳаво 39 даражагача қизиган. Кечаси эса бу районларда пойтахтдагидан анча салқинроқ бўлади.

Ноодатий иссиқ ҳаво Тоғли-Бадахшон автоном областида ҳам ўрнатилган. Тожикистоннинг бу баланд тоғли қисмида ҳавонинг даражаси 30 даража иссиқни ташкил этди ва синоптикларнинг прогнозига кўра бир неча кун давомида 30-32 даражадан пастга тушмайди. Мониторинг бўлими бошлиғи Парвина Саиджамолованинг сўзларига кўра, Тожикистонда ёз сўнгидаги ноодатий иссиқ ҳавонинг сабаби жанубдан келаётган иссиқ фронтдир.

Унинг айтишича, бундай ноодатий иссиқ ҳаво Тожикистонда энг камида яна ўн кун сақланиб туради, ундан кейин ҳаво даражасининг пасайиши мумкин.

Тожик меҳнат муҳожири Москвада жавобсиз қолган муҳаббати сабабли ўз венасини кесган

“Комсомольская правда”нинг хабар беришича, Москвада меҳнат муҳожири сифатида ишлаган 24 ёшли Тожикистон фуқароси унинг севгилиси – Москвада пул ишлаш учун бўлиб турган Козьмодемьянск (Марий Эл) шаҳрилик қиз унга рад жавобини берганидан кейин шундай қарорга келган.

Ислом Каримов Ўзбекистон ИИВ вазири ва Тошкент шаҳар ИИББ раҳбари унвонларини оширди

Президент Каримов ўз буйруғи билан Ўзбекистон Ички ишлар вазири генерал-майор Адҳам Аҳмедбоев ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Мирсамад Адиловларнинг унвонларини оширди.

ОАВларда пайдо бўлган буйруққа биноан, ИИВ раҳбари генерал-майор Аҳмедбоевга махсус “генерал-лейтенант” унвони, пойтахт ИИББ бошлиғи полковник Адиловга “генерал-майор” унвони берилган.

Унвонлар “мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш, фуқаролар хафвсизлигини таъминлаш, қонунийликни ва ҳуқуқ тартибини мустаҳкамлашдаги фидокорона хизматлари ва мамлакат мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлаш сабабли” оширилган дейилади буйруқда.

Президент ижтимоий соҳа ходимларини мукофотлади

Президент Ислом Каримов 22 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида қарорга имзо қўйди. Ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ фуқаролар II даражали “Соғлом авлод учун” ва “Дўстлик” орденлари билан тақдирланди.

Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятни тиклаш, ўзликни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати учун бир қатор фуқаролар “Шуҳрат” ордени билан мукофотланди.

МАК МДҲ давлатларига вояга етмаганларнинг чиқиши тартибини аниқлаштирди

Қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда 18 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДҲ мамлакатларига (Россия, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон) чиқишида қуйидаги тартиб белгиланган:

- 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси МДҲ давлатларига катта одам ҳамроҳлигида, биометрик паспортга эга бўлган ҳолда ва катта ёшдаги ҳамроҳ шахс вояга етмаган шахснинг биометрик паспортидаги рухсат бериш қайдида кўрсатилган бўлса;
- 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси МДҲ давлатларига вояга етмаган шахснинг биометрик паспортида HAMROHLIK QILUVCHI SHAHS штампида кўрсатилган вояга етган шахс ҳамроҳлигида чиқиши мумкин. Ушбу штамп ИИВ ҲЧКваФРБ органлари томонидан қўйилади ва юмалоқ гербли муҳр билан тасдиқланади;
- 15 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси МДҲ давлатларига катта одам ҳамроҳлигисиз, биометрик паспорт ва ота-оналари ёки васийларнинг “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясига берилган нотариал тасдиқланган розилиги билан чиқиши мумкин;
- 15 дан 18 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари МДҲ давлатларига катта одам ҳамроҳлигисиз, биометрик паспорт ва ота-оналари ёки васийларнинг вояга етмаган шахснинг ўзи чиқиши учун берилган нотариал тасдиқланган розилиги билан чиқиши мумкин.

Қирғизистонда рус тилини ривожлантириш учун Россия ҳукуматини қўшаётган ҳиссаси

Россия раҳбарияти томонидан Қирғизистонда рус тилини ривожлантириш учун таълим соҳасига катта эътибор берилади.



Фото: murmansk.rabkrin.com

Рус тили бизда қонуний мақомга эга эканлиги муҳим рол ўйнайди. Қирғизистоннинг 50% дан 80% гача аҳолиси рус тилини билади. Рус тили миллий таълимимиз тизимида катта ўрин тутади. Қирғизистоннинг ҳар тўртинчи фарзанди тўлиқ еки қисман мактабда рус тилида таълим олади.

Россия таълим ва фан вазирлиги Қирғизистонда рус тилини ўрганиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари негизида Россия давлат таълим стандартлари асосида миллий кадрларни тайёрлаяпти. Ушбу тадбирлар туфайли Россия университетларида рус тилида олий таълим олиш катта талабга эга. Ҳозирги кунда Россия олий таълим муассасаларида 13 мингга яқин Қирғизистон фуқаролари ўқийди, шундан 10 мингга яқини олий таълимни рус тилида Россия федерал бюджети ҳисобига текинга ўқимоқда, шу жумладан Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2008 йил 25 августдаги 638 сонли қарори асосида Қирғизистон учун ҳар йили бўлинадиган давлат стипендиялари квоталари ҳисобига.

Олий таълимни рус тилида олиш учун Россия таълим ва фан вазирлиги иштирокида 1993 йили тузилган Қирғиз-Россия Славян университети (КРСУ) катта хизмат қилади. Рус тили ўқитувчиларига ёрдам бериш мақсадида КРСУда квалификациясини ошириш курслари очилган. У ерда ҳозирги кунгача Қирғизистоннинг ҳар хил ҳудудларидан 2,2 мингта ўқитувчиси ўқиди.

Қирғизистон умумтаълим мактабларида рус тилини ўқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган тадбирлар асосида КРСУ полиграфия базасида 1-4 синфлар учун 55 минг дона рус тили ўқув-методик дарсликлари чоп этилди ва тарқатилди. Яна 60 минг дона дарсликлар Қирғизистон мактабларининг 5-7 синфлари учун чоп этилди.

Россия Федерациясининг МДҲ давлатлари ўртасида таълим соҳасида интеграция жараёнларини қўллаб-қувватлаш федерал дастури асосида 2004-2005 йилларда Россия таълим ва фан вазирлиги Қирғизистоннинг рус тили мактаблари учун дарсликларни катта партиясини юборди. Россия-Қирғизистон таълим соҳасидаги ҳамкорлиги асосида Россия ҳукумати рус тилини ўрганувчиларни сонини оширишга қаратилган чораларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Россия Федерацияси Президенти ва ҳукумати топшириғига асосан ҳозирги кунда чет элда рус тилини ривожлантириш учун давлат концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Концепция қабул қилинса рус тили дарсликларини чоп этишни кўпайтириш ва чет элга юбориш учун қўшимча молиявий манбаалар ажратилади.

Шунинг учун мен рус тили дарсликларини чоп этиш ва Қирғизистон мактабларига юбориш учун Россия Президенти В.В.Путинга ва Россия Бош вазири Д.Медведевга мурожаат қилдим. Россия Бош вазири Д.Медведевнинг 12 октябр 2012 йилдаги 1834 сонли фармойиши билан Қирғизистондаги мактабларнинг барча 3 синфларини рус тили ва адабиёти дарсликлари билан таъминлаш учун 500 минг АҚШ доллар грант Юнисефга ажратилди.

3 синф дарсликлари Қирғизистоннинг барча мактабларига 2013 йили сентябрь-октябрь ойлари тарқатилди.

Дилмурод Раҳмонов,
Қорасув тумани

Ҳурматли ота-оналар!
“Петербург болалари” СПб ҲЖТ
4 дан 18 ёшгача бўлган болаларни рус тили ва маданияти бўйича бепул дарсларга таклиф қилади. Дарслар шаҳарнинг турли районларида ҳафтасига 1-3 маротаба бўлиб ўтади.
89210938819
рақамларига қўнғироқ қилиб, ёзилишингиз мумкин.
detipeterburga.ru
vk.com/knowyourlanguage

Муҳожирлар РФда меҳнат рухсатномасини олиш учун тест саволларининг олтитасига жавоб берса бўлди

Меҳнат муҳожирлари учун рус тили, тарих ва ҳуқуқ бўйича тестларнинг ишлаб чиқувчилари РФда рухсатнома олишлари учун зарур бўлган билимлар ҳажмини белгилади.

Имтиҳондан ўтиш учун муҳожирлар ҳар бир тест саволларининг 30 фоизига тўғри жавоб берса бўлди. Бу ҳақда “Известия”га Россия халқлар дўстлиги университети тестларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Елена Шамилина гапириб берди.

“Имтиҳон модуллари 20 та модулдан иборат, яъни муҳожир уларнинг атиги олтитасини (ҳар бир фандан) хатосиз бажарса етарли бўлади”, - деб ёзади газета.

“Экспертлар томонидан баҳолаш ўтказилди ва биз меҳнат муҳожирлари учун 30 фоиз тўғри жавоб учун, вақтинчалик яшашга даъвогарлар учун 50 фоиз, яшаш учун гувоҳнома олишни истаганлар эса 75 фоиз тўғри жавоб берганида сертификатларни бериш мақбул деб топилди”, - дейди Елена Шамилина. Бунда РХДУда келишиш жараёнида планка янада пастроқ туширилиши мумкин ва меҳнат муҳожирлари учун ўтиш балларини 25 фоизгача пасайтиришлари мумкин.

Имтиҳон ишлаб чиқувчиларининг тегишли рекомендациялари Таълим ва фан вазирлигида тасдиқланишда турибди.

Муҳожирлар комплекс имтиҳонини 1 сентябрдан топширишлари мумкин. Комплекс таст топшириш нарҳи 4,5 мингдан 5 минг рублгача бўлиши шарт. Зарур бўлган чоғларда чет эл фуқаролари қўшимча тўлов эвазига чекланмаган миқдорда тест топширишлари мумкин.

Санкт-Петербургдаги Европа Университети профессори Сергей Абашин шундай дейди: “Россияга виза талаб этилмайдиган тартибда келган чет элликларнинг патент ёки меҳнат рухсатномасини олиш учун тил, тарих ва қонунчилик бўйича имтиҳон топшириши билан боғлиқ холат ғалати шаклларга эга бўлмоқда. Аввалига қурувчи ёки кўча супурувчи бўлиб ишлашни ҳохлаган чет элликлар, Россияда узоқ қолишга умуман ҳаракат қилмаслигига қарамасдан нима сабабдандир РФ тарихи ва конституциясини ўқишлари керак бўлган пункт киритилган эди. Кейин эса балки миллионлаб янги абитуриентларни “хазм қилиш” имконсиз эканлигини тушуниб етишди. Энди унинг тескарисини ўйнашмоқчи. Аввалига совет аттестатларидан фойдаланишга рухсат беришди, кейин эса имтиҳон саволларини беъмани исмлар ва саналар тўпламидан иборат шаклда осонлаштиришди, ундан кейин эса барча жавобларни Интернетга жойлаб, шпаргалкаларни қонунийлаштиришди, энди эса 20 та саволдан 6 тасига тўғри жавобни қабул қилишга қарор қилишди. Имтиҳонлар ҳақидаги бу пунктни олиб ташлаш ва уни фақатгина Россияда вақтинчалик яшаш рухсатномаси ва фуқаролиги олмоқчи бўлганларгагина қолдириш осонроқ ва мантиқийроқ бўлмасмикан?”

Фото: amic.ru

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Озод ва обод юртнинг ҳур ўғлони билгинки сени – Она ватан кутади

Ассалому алайкум азиз ватандошлар ва юртдошлар! Яратганга беадад ва беҳисоб шукурлар бўлсинки, эл-юртмизда тинчлик ва осойишталик, ободончилик ҳукм сурмоқда. Шундай тинч, озод ва обод юртимизнинг кун сайин равнақ топиб, юксалиб боришида ўз хизматларини аямаётган барча соҳа ходимлари ва жонажон ватанни ардоқлайдиган, кўз қорачиғидай асрайдиган ватандошлар ва юртдошлар тўғрисида фахр билан жуда кўп гапирсак арзийди.

Фото: mvd.tatarstan.ru

Ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлган, фарзандлар тарбияси муҳим роль касб этмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, 21 аср техника тараққиёти асри деб тан олинди.

Шу жумладан компьютерлар ва интернет ҳозирда ўсиб-улғайиб келаётган ёшларимиз онгига, ундаги кераксиз манбалар ва турли хил ўйинлар ва оврупа мусиқалари жуда катта салбий таъсир қилмоқда. Ўзлари англамаган ҳолда ҳар-хил оқимлар тузоғига гирифтор бўлиб қолишмоқда.

Азиз ота-оналар, фарзандларимиз тарбиясига жуда катта аҳамият бермоғимиз лозим. Зеро улуғларимиз фарзандни ёш бир ниҳолга қиёс қилишади.

Боғбон ёш ниҳолларни экиб, ўз вақтида ўзининг бор меҳрини бериб, иссиқдан ва совуқдан асраб, парвариш қилади ва йиллар давомида сидқидилдан қилган астойдил меҳнатининг самарасини кўради.

Бундан барча манфаат кўради, яъни боғбоннинг етиштирган бир-биридан ширин-шакар меваларини еб, ҳақига дуои-хайр қилишади. Аксинча бўлсачи!?

Боғбон ёш ниҳолларни эксаю, ўз вақтида меҳр билан парвариш қилмаса, яъни беэътибор бўлсачи, оқибатда эккан ниҳоли қийшайиб, ғовлаб, шоҳлаб, инсоннинг ғашини келтиради, одамларнинг надоматига қолиб кетади. Яъни боғбон ниҳолни экишга экибдику, лек ўз вақтида меҳр билан парвариш қилмабди-да!? – деган надоматга қолади.

Ҳа азизлар, фарзанд гўёки ёш ниҳол, ўз вақтида меҳр билан фарзандларимиз тарбияси билан мунтазам равишда шуғулланса, келажакда ўз Она ватанига, халқига ва юртбошисига содиқ ўғил-қизлар бўлиб етишади.

Шу аснода, Хазрати пайғамбаримиз С.А.В. ҳадисишарифларини эслатиб ўтишни жоиз деб билдим: “Она ватанни севмоқ иймондандир”. Зеро барча ота-оналар мақсади ягонадир, у ҳам бўлса фарзандини камолотга етишишини истаяди. Азиз ота ва онажонлар, фарзандларимиз тарбиясига жуда жиддий ёндошайлик, келажакда кутилган, яъни сиз ва биз умид қилган соғлом фикрлайдиган, идрокли, қобилиятли, меҳнатсевар, ҳур ўғил қизлар ва жамиятга, халқига нафи тегадиган улуғ инсонлар бўлиб етишишда кўмакдош бўлайлик! Мустақиллигимиз абадий бўлсин, жонажон ватанимиз гуллаб яшнайверсин!

Ватан

Севаман сени она Ватан,
Ардоқлайман сени кўз
қорачиғидек,
Ҳар бир қарич ерингни,
Юзимга ва кўзимга
тўтиё қиларман,
Зардан қиммат киндик қоним
Тўкилган зар
тупроғингни,
Оллоҳим асрасин ёмон
кўзлардан,
Бахтимизга бўл доим
тинч ва фаровон!

Мухаммадбобир Турсунов

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатлар кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- Рус тили машғулотлари
- маданий хордиқ ва ҳайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анкуманлар

ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)

Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Ватанга қайт ватандош

Меҳнатда суяги қотган
ватандош,
Уқубату заҳмат чеккан
ватандош,
Сарсону саргардон бўлган
ватандош,
Омад тилаб сенга меҳримдир
нисор,
Фарзандинг, аёлинг кўзлари
нигор.
Ишни деб оиланг бағридан
йироқ,
Ризқингни терарсан, соғинчдир
тузоқ,
Юмушла бандсану қалбингда
фироқ,
Рохат йўқ, ёнмайди сира ҳам
чироқ,
Тоқатлар тилайман сенга
ватандош,
Лойиқсан таҳсинга, соғ бўл,
ватандош.
Алдовларга баъзан учиб
қоларсан,
Разолатдан нола чекиб
толарсан,
Дардману шикаста бўлиб
ёнарсан,
Аҳдида содиғим, жафокаш,
юртдош,
Юпанчни ўзига билганим
сирдош.
Рахмон сенла ёрдир, ҳар ишда
ёндош,
Гумонларга борма, бўлма
бағритош,
Аҳдингу сабрингда тугасада
дош,
Надоматга асло бўлмагин
йўлдош,
Ватанга қайт, сенга кўз тикарди
ватан,
Ақлингу кучингни айлаб
бажо тан.
Тинчлик, барокатга сарф этиб
ҳамдам,
Аяма, бахш этгин халқ учун
ҳар дам,
Номам сен учундир англа
ватандош,
Доим сени кутар юртим,
ватандош,
Обод, озод диёр бағрига кел,
шош,
Шодон бўлар барча, тез қайтгин
қардош!

Сукунат тортма домингга

Сукунат, тортма домингга,
Улушимни бергин, мен кетай.
Кўз тегмасин сенинг номингга,
Умидим йўқ манзилда нетай.

Назокатдан бердинг сабоқлар,
Андишадан бичдинг кийим-бош.
Тилла тўла олтин табоқлар,
Ташвиш дединг, бўлмадим йўлдош.

Ору-номус сенинг бойлигинг,
Риёни қил ҳар ишда ғолиб.
Тақдирингдир оқар сойлигинг,
Мақбул гапга юр қулоқ солиб.

Айтган ҳар сўз, ҳар иборангдан,
Дилим учун олдим керагин.
Омонат бу ёлғон дунёдан,
Менга насиб этдинг суягин.

Илтимосим сенга сўнги бор,
Нари этгин мени қўйнингдан.
Гуноҳкорман, келмоқдадир ор,
Гарданим дол бўлди юкингдан.

**Дил ҳуш Ўзбекистон респ.
Фарғона вил, Марғилон шаҳри**

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва Фонд аъзолари билан ишлаш бўйича мутахассис (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига) ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:

*** рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш;
* киришимли;
* жамоада ишлай билиш;
* самимий, одобли;
* компьютерни яхши билиш.**

Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.

Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.

**Мурожаат учун манзил: Ломоносовская метро бекати.
Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.**



Ҳалол магазинлари
Ҳалол Август
технологияси орқали тайёрланган кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини таклиф қилади.

- Мол гўшти, қўй гўшти,
- от гўшти, колбасалар,
- тансиқ таомлар,
- ширинликлар

Ҳалол Август –
бу қоидали ва сифатли гўшт магазинлари

Бизнинг манзил:
Ⓜ «Горьковская» метро бекати, Конный переулок, д. 1.
Ⓜ «Садовая» метро бекати, Московский проспект, д. 4-а.

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Ирина Редькина
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина

Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров

Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1374. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 28.08.2014, фактическое – 28.08.2014
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Ирина Редькина
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя

Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриёт уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06

Газета тиражи: 15 000 нусҳада. ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1374.
Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390.
Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 28.08.2014 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 28.08.2014 соат 18.00